



## THE ROLE OF ARMENIAN ARTISTS IN THE DEVELOPMENT OF UZBEK THEATER (20-60S OF THE XX TH CENTURY)

*Farkhod Abduvalievich Adilov*  
Professor  
Tashkent State University of Economics  
Tashkent, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Theater, Armenian, director, actor, art, playwright, artist, stage, tour, professionalization, acting.

**Received:** 20.05.26

**Accepted:** 21.05.26

**Published:** 22.05.26

**Abstract:** Armenian artists, like other nations, played a very important role in the development of Uzbek theater. This article briefly examines the activities of Armenian theater and Armenian artists in Uzbekistan in the 1920s-1960s, and provides information about the activities and development of Uzbek theater art.

## ЎЗБЕК ТЕАТРИНИНГ РИВОЖИДА АРМАН ИЖОДКОРЛАРИНИНГ ЎРНИ (XX АСРНИНГ 20-60-ЙИЛЛАРИ)

*Фарход Абдувалиевич Адиллов*  
Доцент  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Тошкент, Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** театр, арман, режиссёр, актёр, санъат, драматург, санъаткор, сахна, гастрол, профессионаллашув, актёрлик маҳорати.

**Аннотация:** Ўзбек театрининг ривожига бошқа халқлар сингари арман ижодкорларининг ўрни ҳам жуда катта бўлган. Ушбу мақолада XX асрнинг 20-60-йилларида Ўзбекистонда арман театри ва арман ижодкорлари фаолияти ҳақида қисқача маълумотлар тадқиқ этилиб, ўзбек театр санъатининг фаолияти ва тараққиёти ҳақида маълумотлар берилган.

## РОЛЬ АРМЯНСКИХ ДЕЯТЕЛЕЙ ИСКУССТВА В РАЗВИТИИ УЗБЕКСКОГО ТЕАТРА (1920–1960-Е ГОДЫ)

**Фарход Абдувалиевич Адиллов**

Доцент

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

---

## О СТАТЬЕ

---

**Ключевые слова:** театр, армянин, режиссёр, актёр, искусство, драматург, деятель искусства, сцена, гастроли, профессионализация, актёрское мастерство.

**Аннотация:** Как и представители других народов, армянские деятели искусства сыграли значительную роль в развитии узбекского театра. В данной статье исследуются деятельность армянского театра и армянских творческих деятелей в Узбекистане в 1920–1960-е годы, а также приводятся сведения о функционировании и развитии узбекского театрального искусства в этот период.

---

**Кириш.** Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олгач, Туркистон худудида рус ва Европача маданиятини тарғиб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши муносабати билан рус театри унинг ортидан татар, озарбайжон ва арман театрлари кириб келди. Лекин бу қардош халқлар театр труппаларни Туркистонга кўчириб келтирилган ва хизмат юзасидан келиб қолган бошқа халқлар учун ташкил этилади. Бироқ, бу давр маданиятининг ўзига хос жиҳати шунда бўлдики, қўлида қалами бор ҳар бир зиёли саҳнада намоёиш этиш учун асарлар яратди, чунки халқ учун бу даврларда театр янги бир соҳа бўлиб жуда кўтаринки руҳ билан қарши олинган. Ўша даврдаги бўлаётган ўзгаришлар Абдулла Қодирий томонидан қуйидагича баҳо берилган “бу ҳол 1912 йилдан бошлаб 1917 йилгача давом этиб, 1918 йилдан эътиборан ҳар бир иш учун кенг йўл очилди каби, маориф ишлари учунда ўртадаги тўсиқлар олингач, театру ёғмоқ иши ҳам ҳар бир қўлидан ёзқу келадиган ёшлар ва ўқувчи шоирлар учун бир эрмак ёки хавас шаклига кирди”[1]. Шундай экан бу даврдаги театр соҳасининг тараққиётида бошқа халқлар сингари арман ижодкорларининг Туркистондаги ижоди ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарурдир. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда театри ҳаёти фаоллашган пайтда, арман ижодкорлари ўз ижодлари орқали ушбу жараёнга ўз ҳиссасини қўшдилар.

**Муҳокама ва натижалар.** Арман театр санъатидаги анъаналар, техника ва усуллари Ўзбек театрига таъсир кўрсатди. Арман режиссёрлари, актёрлари ва драматурглари ўз ишлари орқали миллий ва умуминсоний мавзуларни кўтариб, ўзбек театрининг мазмунини бойитдилар. Туркистонга ҳозирги кундаги театрнинг кириб келиши XIX аср 70-йилларидан

бошланганлиги кўпгина мутахассислар томонидан эътироф этилади. Аслида рус ва арман тилидаги пьесаларни маҳаллий аҳолининг кўпчилиги қисми умуман тушунмас эди. Театр Туркистон ўлкасига кириб келгандан 40 йил ўтиб, дастлабки сахна асари яратилганлиги ҳам маҳаллий аҳоли рус маданиятидан узоқда сақланганлигини кўрсатди. Лекин шуни ҳам айтиш зарурки бунгача ҳам маҳаллий театрларнинг ўзига хос кўринишлари мавжуд бўлган.

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, жумладан 1934 йилда Тошкент шаҳри К.Маркс кўчаси 67-уйда жойлашган Давлат арман драма театри бўлиб, томошалар залидаги жойлар сони 288 та, бадиий ходимлар сони 18 та кишидан иборат бўлган[2]. 1934 йилдаги Ўзбекистондаги театрларда фақатгина ўзбек ва рус тилларида театр томошалари кўйилмасдан бошқа иттифоқдош республика тилларида ҳам театр томошалари кўйилишини ҳукумат томонидан назорат қилинди. Жумладан, тетрларнинг спектакл тили бўйича тақсимланиши куйидагича бўлган: драма театрларида ўзбек тилида 11 та, қозок тилида 1 та, рус тилида 2 та, арман тилида 1 та театр томошалари намойиш этилиши режалаштирилган бўлса тожик ва яхудий тилларида томошалар режалаштирилмаган. Хаттоки маълумотларга кўра қанча томошабинни қамраб олиниши ҳам олдиндан режалаштирилган, жумладан ўзбекча томошаларида 4874 та, қозокча томошаларида 300 та, рус томошаларида 770 та, арман томошаларида 230 томошабинни қамраб олиши кўрсатилди[3]. Қизиғи шундаки Ўзбекистонда рус театри билан фақатгина арман театри фаолият олиб борганлиги маълум бўлди, қолган масалан озарбайжон ёки татар театри ташкил этилмаган.

1934 йилда Хамза номидаги ўзбек давлат драма театрида 1905 йилда туғилган балерина Караганова ҳам арман миллатига мансуб бўлган[4]. 1935 йил 1 январь холатига кўра Тошкент арман драма театри жамоаси 23 кишидан иборат бўлиб улардан фақатгина биргина киши яъни бухгалтери рус миллатига мансуб бўлган[5]. Демак ушбу театр Ўзбекистонда фаолият олиб борсада маҳаллий аҳоли вакиллари негадир жалб этилмаган.

1934 йилдаги Арман театри фаолияти ҳақидаги маълумотга кўра театрда 90 томошалар режалаштирилган бўлиб ҳақиқатда эса 24 та, гастролларда 90 та томошалар режалаштирилган бўлса ҳақиқатда эса 71 та томошалар ўтказилган. Жумладан, 1934 йил давомида гастролда Самарқандда 16 та, Қўқонда 7 та, Андижонда 9 та, Ашхободда 22 та, Марвда 10 та, Чордарада 3 та, Самарқанд шаҳрида 4 та спектакль намойишлари бўлиб ўтган[6]. Умуман Тошкентдаги О. Абелян номидаги Арман драма театрининг 1934 йилдаги репертуарида Ширвонзоданинг “Номус”, Джабборлининг “Севиль”, Прокафьеванинг “Обод”, Вагаршяннинг “Ҳалқада”, Шиллернинг “Ҳиёнат ва севги”, Сухово-Кабилецанинг

“Кречинский туйи”, Шекспирнинг “Отелло”, Ширвонзоданинг “Номус туфайли”, “Ёвуз рух”, Дюманинг “Қариндош”, Нар-Доснинг “Ўлдирилган кабутарлар” каби асарлари сахналаштирилган ва йил давомида томошабинларга намойиш этилди[7]. Иккинчи жаҳон урушига қадар бу театр фаолият олиб борган бўлсада урушдан кейинги йиллардаги фаолияти ҳақида маълумотлар учрамади.

Арман миллатига мансуб бўлган театр ижодкорлари кейинчалик ҳам турли театрларда ўз фаолиятларини олиб борганлар. 1944 йил 10 январдан 6 февралгача бўлиб ўтган Ўрта Осиёда Совет мусиқаси декадасида бир қатор арман миллатига мансуб санъаткорлардан Ўзбек опера ва балет театри балет солисти Гарибян Арцев Барсегович, Мукумий театридан мусикант Балаян Михаил, Ўзфилармония мусикантларидан Г. Григорьян ва П. И. Санамянцлар фаол иштирок этишади[8].

1961 йил Хамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида арман адиби А. Ширвонзоданинг “Номус” трагедияси режиссёр Дамир сахналаштириб[9], унга арман драматурги Габриэль Сундукян номидаги академик драма театрининг ижодий жамоаси яқиндан ёрдам берди. Спектаклдаги бош ролларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист З. Муҳаммаджонов, артист Я. Абдуллаевалар ўйнади. Шунингдек Ўзбекистон ССР халқ артистлари О. Жалилов, С. Табибуллаев, Н. Рахимов, С. Олимов, Ғ. Аъзамовлар ижро этдилар.

Ўзбек театри ривожига умуман арман ижодкорлари ҳам муҳим роль ўйнаган. Улар орасида Габриел Сундукян - Арман драматурги, унинг асарлари Ўзбекистонда ҳам намойиш этилган. Унинг ижоди ўзбек театрида ҳам кенг намойиш этилиб театр санъатининг ривожига ижобий таъсир кўрсатган. Саркис Мартиросян - Арман драматурги ва режиссёри ва Армен Джигарханян - Арман актёри ва бошқалар ўз асарлари билан Ўзбекистондаги театр сахнасини бойитган ва Ўзбекистондаги театрларда ҳам фаолият юритган. Ушбу ижодкорлар ўз асарлари ва ижодлари орқали ўзбек театрини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар.

**Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки,** арман ижодкорлари ўзбек театрининг профессионаллашуви ва ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Уларнинг режиссураси, актёрлик маҳоратлари ва сценографияси ўзбек театрида янги усуллар ва янгиликларни жорий этишга олиб келди. Шу тариқа, арман ижодкорларининг Ўзбек театри ривожига ўрни фақатгина ижодий таъсир билан чекланмай, балки маданий алмашув ва ҳамкорликка ҳам асос солди. Улар Ўзбек театрининг бойлиги ва турли хиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этдилар.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Жулкунбой (Қодирий А). Бизда театру ишининг бориши // Иштирокиюн. - № 239-сон, 1919.
2. Ўз МА. Р-1619-фонд, 1 - рўйхат1, 123 - йиғма жилд, 23-варақ.
3. Ўз МА. Р-1619-фонд, 1 - рўйхат1, 123 - йиғма жилд, 6-варақ.
4. Ўз МА. Р-1619-фонд, 1 - рўйхат1, 123 - йиғма жилд, 35-варақ.
5. Ўз МА. Р-1619-фонд, 1 - рўйхат1, 124 - йиғма жилд, 27-варақ.
6. Ўз МА. Р-1619-фонд, 1 - рўйхат1, 124 - йиғма жилд, 28-варақ.
7. Ўз МА. Р-1619-фонд, 1 - рўйхат1, 124 - йиғма жилд, 29-варақ.
8. Ўз МА. Р-1619-фонд, 1 - рўйхат1, 124 - йиғма жилд, 29-варақ.
9. Арман асари ўзбек сахнасида // Ўзбекистон маданияти., 1961 йил, 22 ноябрь.